

2024 йил —
ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

THE TRUTH OF MARGILAN

2024-yil 15-yanvar, dushanba

MARG'ILON HAQIQATI

ЎЛТМОЎ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

1-2-son (20394).

Gazeta 1931 yil 5 maydan chiqq boshlagan

14-январь - Ватан ҳимоячилари куни

ЗАФАРЛАРГА

АЙЛАНСИН КУНЛАР

Марғилон шаҳар ҳокими

Ш. Нисбатхоновнинг йил боши тилаклари

Қадрли ҳамшаҳарлар! Кириб келган 2024 йилда аввало мустақил диёримиз она Ўзбекистонимиз тинч, мовий осмонимиз мусаффо бўлсин! Ватан ичра мўъжаз Ватан аталмиш боқий ва ҳамиша навқирон шаҳримиз- марварид Марғилонимиз жамол очаверсин! Барчамизнинг оиламизга кут-барака, омонлик, файзу саодат берсин. Фарзанд лар камолидан севинмоқ бахти ҳар бир ота-онага насиб этсин!

Мана яна бир йилимиз ортда қолди. Шукр-ки, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз, набираларимиз бағримизда бахтиёр. Ўтган 2023 йилни ёруғ юз билан қўзатиб, 2024 йил «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»ни улкан мақсадлар ила қўтиб олдик. Шаҳар иқтисодиётини юксалтириш ҳамда ижтимоий соҳаларда қандай натижаларга эришган бўлсак, бунинг замирида албатта самарали меҳнатларимиз мужассам. Зотан, унутмайлик, биз дунёга улугъ даҳоларни етказиб берган маърифатли халқнинг авлодларимиз. Биз бир-бирининг қўлидан маҳкам тутадиган, йиқилганини сўяйдиган, илми мўъжиза билиб тинимсиз у томон интиладиган, буюк ибратли ишларга қодир маънавиятли ва матонатли элимиз. Ибратимизда ҳам, сиёратимизда ҳам шу буюк Ватан муҳаббати, яратиш, яшнатиш иштиёқи мужассамдир.

Муҳтарам нуроний отахонлар, онахонлар! Сизларнинг донишмандона ҳаёт йўлининг, ёшлар учун маёқ вазифасини ўтамоғи шарт. Фарзандларингиз, набираларингиз ва юрт болаларини улкан орзулар билан улғайишларига қўмаклашинг! Бугун мактаб партасида билим олаётган сеvimли набиранингиз, аъло баҳоларга ўқиб, тенгдошларига намуна бўлаётган экан, алқашдан чарчаманг! У улғайиб нафақат сизга балки бутун жамиятга, халққа наф келтирадиган олимга айланиб, нодир кашфиёт, янгиллик армуғон этиши мумкин.

Фидойий устозлар! Сизлар муҳтарам Президентимиз таъбирлари билан айтганда, жамиятни ҳаракатлантирувчи буюк кучсизлар! Ёшларга мукаммал билим бермоқ, уларни келажақда мукаммал инсон бўлиб етишувларини таъминлаш, аввало сизларнинг касбий бурчингиздир. Мамлакат ҳам мард ва жасур , билимдон ва салоҳиятли йигит-қизлар билан қўдратлидир. Бугун жонқуярлик ва талабчанлик билан ёшларга сабоқ бераётган теран тафаккурли устозлар келажақда ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини қийналмай топишларига замин яратаётган бўлади. Минглаб ёшлар ўрта мактабларни тугаллап, уларнинг бандлигини таъминлаш учун эса бизлар

янги, муносиб иш ўринлари яратмоғимиз лозим. Нафақат Марғилонимизнинг балки, бутун Фарғонанинг фаҳрига айлана оладиган йигит- қизларни камолот сафига қўиш кўпроқ айнан сизнинг вазифангиз! Бу йўлда сизларга куч-ғайрат тилайман!

Ғамхўр оталар, меҳрибон оналар! Оталар оила устун, оналар-миллат тарбиячиси саналади. Оилада фарзандингизга гўзал тарбия бермоқ, уларни улкан орзулар ила камолга етказмоқда сизларнинг ҳиссангиз бекиёс. Ҳар бир бола мисоли ниҳол, уларни қандай парваришлаш эса сизларнинг оиладаги оталик ва оналик меҳр-муҳаббатингиз ҳамда ибратингизга боғлиқ. Фарзанд учун одаимийлик фазилатлари ила одоб-ахлоқ олишнинг илк маскани оиладир, албатта. Дилбандингизнинг олтинга топилмас вақти бе-самар кетмасин, бунинг учун сиз унга кўмакчи бўлинг. Мактабда аъло баҳоларга ўқиши ҳамда хорижий тилларни ўрганиши учун имконият яратиб беринг! Дарҳақиқат, қайсидир оилада фарзанд ота-онасининг ҳурматини жойига қўйиб, китобга дўст тутиниб, олижаноб орзулар ила улғаетган экан, уларнинг келажигидан кўнгли тўлқ.

Азиз ёшлар! Бугун сизнинг меҳнат қилиб толмайдиган, мутолаа қилиб зерикмайдиган олтин даврингиз! Мустақил ҳаётда ўзингизнинг мустаҳкам ўрнингизни топишингиз учун аввало маънавиятли ва маърифатли бўлишингиз муҳимдир. Қалбингизда юксак орзулар билан улғаетган экансиз, ҳаёт сизга имконият эшикларини очаверади. Мўҳими дангаса ва ялқов бўлмаслик. Ҳаётга назар ташласангиз ўз иқтидорини намоийш қила олган салоҳиятли ёшлар ўзлари танлаган ва меҳр қўйган соҳаларида шу қадар кўп ютуқларга эришяпти-ки, уларга ҳайрат ва ҳавас билан боқмаган кишининг ўзи йўқ. Уларнинг яшаш тарзи ва иқтисодий имкониятлари ҳам жуда кенг. Ҳеч иккиланмай айтиш жоизки, уларнинг шу ютуқлари замирида улкан меҳнатсеварлик ва билимдонлик фазилатлари ётибди.

Биз узокки кўзлаган, ниятлари эзгу, меҳнатда тобланган, бунёдкор, тинчликни онасидек сўядиган маърифатпарвар элмиз. Истагим 2024 йил мўъжаз шаҳримиз марғилонликлар учун ҳам зафарларга тўлиқ йил бўлсин. Ҳамжихатлик ва аҳилликда бирлашиб юртимизни обод этайлик! Юртимизда тинчлик, осийишталик ва фаровонлик ҳукмрон бўлаверсин.



БАТАН УЧУН КЎКСИМ ТОҒ!

Осуда отган ҳар бир тонг замирида Ватан ҳимоячиларининг заҳматли ва машаққатли меҳнати, Темур бобом жасорати, Мангуберди матонати, қоплон довораклиги мужассамдир. Уларнинг тиллари-ю дилларида ҳамиша бир мукаддас сўз янграйди... «Ҳимояннга шаймиз, она юрт! Сенга жонимиз фидо бўлсин!», «Сенга кўксимиз қалқондир, Ватан!», "Ватан учун кўксим тоғ!..

Дарҳақиқат, дунёда аскарликни орзу қилмаган йигит бўлма-са керак. Ҳатто улар болалик чоғларидаёқ отаси, акаси ёинки тоғасининг ҳарбий фуражжасини ҳар куни бир бора ҳавасла қийиб кўради, ёхуд аскарчасига шиддатли ва шаддам қадамлар ташлаб уларнинг ортидан эргашади. Эгн-даги ҳарбийлик либоси аллдек қоматларига ярашган, одимлари денгиз тўлкинаридек шиддатли, гурури чўққилардек сарбаланд, ҳаракатлари лочиндек чаққон, шердек доворак Ватан ҳимоячи-лари - аскар эл ўғлонлари ҳамиша юрт ардоғидадирлар. Уларга қал-бимиз тўла ҳавас ва ҳайрат, ифти-хор ва шараф билан боқамиз. Жасорат ва матонат соҳибларини фахру гурур ила марду майдон Ватан ҳимоячилари, Ватан пос-бонлари дея олқишлаймиз. Зеро, бу юксак шарафга Ватанини чин дилдан севган, жонфидо, чинакам юрт ўғлонларигина муносибдир.

Мустақилликка эришилган дастлабки қунларданок Қўролли Кучларимизни мустаҳкамлаш-га қаратилган қатор ислохотлар босқичма-босқич амалга оширил-ди. Бунинг натижасида шаклан-ган армия ҳақиқий мардлик ва матонат, қўдрат ва жасорат мак-табига айланди. Бугунги кунда миллий армиямиз мустақил Ва-танимизнинг осийишталиги, мил-лий ҳавфсизлиги, тинч ва осуда ҳаётини таъминлабгина қолмай, барқарор тараққиёт ва нурли ис-тиқболимизни белгилашда етак-чилик қилмоқда.

Юртимизда Ватан ҳимояси каби улугъвор ишга ўзини бағишлаган ҳарбийларимиз катта ҳурмат ва эъзоз билан қадрланиб, ҳар йили "14- январь – Ватан ҳимоячилари куни" катта байрам ва шодиёна билан ўтказилади. Бу каби эъти-бор ва эътироф масъулиятли қасб эгаларининг Ватан олдидаги хиз-матларини юқори баҳоланишини намоён этиб, уларнинг келгуси-даги фаолиятига ҳам куч-қувват, шижоат ва албатта садоқат бағиш лайди.

Президентимиз Ш. Мирзиёев-нинг "Армия ва халқ – бир тану бир жон!" деган олижаноб гапл-ридан ҳам Қўролли Кучларимиз-нинг халқ билан ҳар қачонгидан ҳам қалбан яқинлигини англа-шимиз мумкин. Мазкур олижаноб Ватан ҳимоячилари, Ватан пос-бонлари дея олқишлаймиз. Зеро, бугундаги ҳокимият ва бошқа-рув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар таш-килотлари, таълим-тарбия муас-сасалари фаолиятини ҳамда кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб ол-моқда. Бу эса Ватан ҳимояси чин-дан ҳам барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки шарафли бур-чимизга айланиб бораётганидан яққол далолат беради. Зеро, бу-гун Қўролли Кучларимиз халқ би-лан ҳар қачонгидан ҳам яқиндир.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳар-бий хизматчининг билими, мала-каси ҳамда руҳий тайёргарлиги оширилиб боришмоқда. Уларнинг оилаларига муносиб шароитлар яратиш мақсадида имтиёзли кре-дитлар асосида кўп қаватли уй-

лар, ҳарбий шаҳарчаларни обод қилиш ҳамда замонавий инфра-тузилма барпо этиш каби масала-ларга алоҳида эътибор қаратил-моқда.

14 январь кунини эса мамла-катимизда фақатгина ҳарбий-ларимизгина эмас, балки барча юртдошларимиз ҳам тинчлик ва осийишталик байрами сифати-да кенг нишонлашмоқда. Бугун шаҳримиз Мудоффа ишлари бўли-мида сидқидилдан меҳнат қилаёт-ган сафарбарлик бўлими бошлиғи Раҳматилло Салимов, Чақирув бў-лими бошлиғи Усмонжон Сарим-соков, Чақирув бўлими бошлиғи-нинг катта ёрдамчиси Ғайратжон Маъмуров ҳамда мудоффа ишлари бўлими катта инспектори Шавкат-жон Мирбобоев каби ҳамкасблар-имизнинг фидокорона фаолият-лари таҳсинга сазовордир.

Муҳтасар қилиб айтганда, тинч-лик ҳукмрон юртга байрамлар ярашади, жаннатмакон диёримиз-да қиёсиз тинчликни, осуда ҳа-ётни таъминлаб келаётган ҳарбий хизматчиларни яна бир бор ушбу байрам билан муборақбод этиб, уларга сихат-саломатлик, оила-вий бахт ва албатта масъулиятли хизматларида куч-қувват тилаб қоламан.

Омон бўлинг, Ватаннинг шер-юррак ҳимоячилари!

Ҳикматилло ЖЎРАБОВЕ,
Марғилон шаҳар Мудоффа
ишлари бўлими бошлиғи,
подполковник.

Ватан ҳимоячилари шарафланди

ЖАСОРАТИМ, СЕН УЧУН БАТАН!

Ўзбекистон Республикаси Қўролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоя-чилари куни байрами муносабати билан Марғилон шаҳридаги Маданият марказида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни шаҳар ҳокими Шукруллохон Нисбатхонов табрик сўзи билан очиб, жанговар постда доимо хушёр ва сергак туриб, юртимиз сарҳадларини кўз қорачиқдек асраб келаётган мард ва жасур, содиқ ва ватанпарвар ўғлонлар матонатини алоҳида эътироф этиб, шундай деди:

"Ватан туйғуси - бу она ватани ҳимоя қилиб, ватан, дея фидо бўлмоқликдир. Зеро, ватан Тўмарис, Широқ, Спита-мен, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Қурбонжон Додхон каби томирида сўнгги томчи қони қолғунича душманга қарши мардонвор курашган юзлаб шерураклар, ёвга бўйсунмас баҳодирларни ёдга олиш ва уларга муносиб бўлиш демокдир. Ватан туйғуси-бу ўз постда доволу бўронларни асло писанд этмай унинг сарҳадларини жони қадар қўриқлаётган аскар йигитлар жасоратидир".

Шунингдек тадбир давомида Ватанимиз озодлиги йўлида азиз жонини фидо қилган жасур ўғул Бобуржон Ғани-евнинг онаси, меҳнат фахрийси Мунаввархон ая Ғаниева ҳамда бир гуруҳ фидойий ҳарбийларга байрам совғалари тақдим этилди.

Тадбир доирасида соҳирнафас санъаткорлар том маънода ватанга садоқат гоялари билан йўрилган, ёшлар қалбида юрт ҳимоясига бўлган шижоатни янада юксалтириш мақса-дини мадҳ этувчи қўшиқлар ижро этдилар.

Ватан ҳимоячилари шарафига бағишланган тантана унинг иштирокчиларида унутилмас таассурот қолдирди.



Халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгагининг навбатдаги 80-сессиясида:

МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2024 ЙИЛГИ БЮДЖЕТИ

ТАСДИҚЛАБ ОЛИНДИ

Халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгагининг навбатдаги 80-сессияси бўлиб ўтди. Сессияда шаҳар ҳокими ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, кун тартибига киритилган масалаларга алоқа-дор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессия ишига шаҳар ҳокими, Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши раиси Шукруллохон Нисбатхонов раислик қилди ва олиб борди.

Сессияда кун тартибига киритилган қуйидаги масалалар кўриб чиқилди:

1. Марғилон шаҳрининг 2024 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш;

2. Марғилон шаҳар прокурори А. Бобоҳўжаевнинг ҳисоботи тўғрисида;

3. 2023 йилда "Аёллар дафтари" 4-босқичига рўйхатга киритилган, ижтимоий ҳимояга мухтож, эҳти-ёжманд хотин-қизлар билан олиб борилган ишлар тўғрисида ва бош-қалар.

Биринчи масала юзасидан шаҳар ҳокимлиги Иқтисодиёт ва Молия бўлими бошлиғи А.Мастоновнинг ахбороти тингланди.

Ахборотдан сўнг сессия иши кун тартибига тегишли соҳа масъуллари томонидан шакллантирилган Марғи-лон шаҳрининг 2024 йилги маҳаллий

бюджети лойиҳаси кўриб чиқилиб, муҳокама қилинди ва тасдиқлаб олинди.

Шунингдек, кун тартибидаги бош-қа масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари ҳам тингланди.

Сессия давомида музокара учун сўз олганлар кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар, яқунда тегишли қарор-лар қабул қилинди.

Шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати



МАҲАЛЛА ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИКДИР

Марғилон шаҳар Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашининг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди

Унда сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, шаҳардаги мавжуд 56 та МФЙ раислари, Маҳаллани қўллаб-қувватлаш бўйича шаҳар кенгаши аъзолари, ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни кенгаш раиси, шаҳар ҳокими Шукруллоҳон Нисбатхонов олиб борди.

Кун тартибига қўйидаги масалалар қўриб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-209-сонли Фармони ҳамда "Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-402-сон Қароридан келиб чиқадиган устувор вазифалар тўғрисида;

2. Давлатимиз раҳбари раислигида 2023 йил 22 декабрда ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган маҳалла тизими фаоллари зиммасидаги устувор вазифалар тўғрисида;

3. Маҳаллани қўллаб-қувватлаш бўйича Фарғона вилояти кенгаши ташкилий йиғилишида иштирок этиш учун делегатларни сайлаш тўғрисида.

Кун тартибига биринчи масалла



юзасидан шаҳар ҳокими, шаҳар Маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши раиси Ш.Нисбатхонов сўз олиб, Президентимизнинг мазкур Фармон ва Қарорлари билан маҳалла институтини нуфузини янада ошириш, маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш, уларга қонунида белгиланган ваколатларини амалга оширишда

қўмаклашишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланган берилганлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Республика Маънавият ва маърифат маркази шаҳар бўлини раҳбари Алишер Жалолдинов иккинчи масала юзасидан сўзга чиқиб, Давлатимиз раҳбари томонидан Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган устувор вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Қўрилган масалалар юзасидан фикр

ва мулоҳазалар билдирилиб, маҳаллани қўллаб-қувватлаш бўйича Фарғона вилоят кенгашининг ташкилий йиғилишида иштирок этиш учун делегатларни сайлаб олиш масаласи муҳокамага қўйилди.

Муҳокама натижаларига кўра 8 нафар МФЙ раислари йиғилиш қатнашчиларининг тўлиқ овоз бериши билан вилоят кенгаши йиғилишига вакил этиб сайландилар.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати.

"Маҳаллада дув-дув гап!"

"ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!"

Аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, келажак авлодни миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссида камол топтириш мақсадида Марғилон шаҳар ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази Марғилон шаҳар бўлини масъул ташаббуси билан шаҳримиздаги маҳалла фуқаролар йиғинларида "Маҳаллада дув-дув гап" шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.



Ана шундай тадбирлардан бири 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабига "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини фуқаролари иштирокида ўтказилди. Тадбирда Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Маъсуджон Сулаймонов, маънавият ва маърифат фидойилари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Маънавият тадбирида сўз олганлар мамлака-

тимизда маҳаллаларга берилаётган эътибор, кейинги йилларда бутунлай янгича қиёфа касб этаётган ушбу масканларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда мазкур тадбирнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб ўтдилар.

Тадбир дастури доирасида миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда шаҳар Ахборот-кутубхона марказининг китоб кўргазмалари ҳам намойиш этилди. Соҳирнафас санъаткорлар



ҳамда шаҳар Маданият марказининг ҳушовоз хонандалари томонидан ижро этилган қўй-шиқлар йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Алишер ЖАЛОЛИДДИНОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази Марғилон шаҳар бўлини масъул бошлиғи

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?


Ҳар қандай давлатнинг тарихи – биринчи навбатда унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ҳамада ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади. Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар рўйхатга олиш асосида олинади. Аҳолини рўйхатга олиш яқунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш, келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади. Бу жараён мамлакат аҳолисининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади.

Аҳолини рўйхатга олиш бу – мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги "фотосурати"ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади. Ушбу тадбир яна шуниси билан аҳамиятлики, тўпланган маълумотлар ижтимоий ҳимоя, инвестиция, уй-жой, соғлиқни сақлаш, маданият, туризм, таълим, йўл қурилиши ва инфратузилма каби манзилли дастурларнинг тайёрланиши ва амалга оширилишига хизмат қилади. Келгусида аҳолини рўйхатга олиш натижаларига асосланиб, ушбу дастурларни амалга

ошириш натижалари баҳоланиб, иқтисодий прогнозлаш ва демографик сиёсатни шакллантириш мумкин бўлади. Биз сўз билан айтганда, бу тадбирнинг асосий мақсади – Ўзбекистонда аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш учун зарур бўлган ишончли ахборотни беради.

Р.КАРИМОВА, Марғилон шаҳар статистика бўлими бошлиғи.

ХИЗМАТИ ХАЛҚҚА МАНЗУРЛАР



Ўтган 2023 йил давомида шаҳар ФВБнинг жасоратли ходимлари томонидан 802 марта тезкор чақирув ишлари амалга оширилиб, қийин вазиятда қолган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан шаҳримиз ҳудудига 57 марта тилсиз ёв саналмиш ёнгинларни ўчиришга, 17 мартаба қўшни туманларга ёрдамга, 95 марта аҳолига амалий ёрдам кўр-

сатишга, 633 марта эса бошқа ҳар фавқулодда қақриқлар сифатли ва тезкор амалга оширилди.

Аянчли ёнгинлар содир бўлганда, аввало зудлик билан ёнгинларни бартараф этиш, ёнгинда бино ичида қолган фуқароларни хавфсиз ҳудудларга олиб чиқиш ҳамда уларнинг ҳаётини сақлаб қолишда ўз жонларини хавф остига қўйиб фуқароларни қутқа-

Сиёсий партиялар ҲАЁТИДАН

Бундан 32 йил муқаддам, Ўзбекистон мамлакатининг эндиғина мустақилликка эришган пайтида давлатни ташкил қилиш, буюк ўтиш даврига хос сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топиш, халқлар ўртасида ижтимоий бирдамликни сақлаш ва мустақамлашдек улкан масъулиятли вазифа турарди.



ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА ҒАМХЎР ПАРТИЯ

Ана шундай тарихий мураккаб вазиятда биринчи сиёсий партия-Халқ демократик партияси ташкил этилиб, унинг Устав ва дастури қабул қилинган эди. У ташкил топган кунданок аҳоли ўртасидаги муаммоларни аниқлаб, ҳал этиш ташвиши билан ишга киришди. Партия мамлакатимиздаги барча Президентлик ва парламент сайловларида муносиб иштирок этди. Бугунги кунда унинг сафида 500 мингдан зиёд аъзо мавжуд. Бу кўрсаткич партиянинг ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги, ижтимоий бирдамликка асосланган ғоялари халқ томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини билдиради.

Марғилон шаҳар партия ташкилоти ҳам халқ манфаатлари йўлида астойдил фаолият юритаётган партиянинг бир бўлагидир. Уни узоқ йиллар давомида тажрибали раҳбар ходим, давлат сиёсатининг туб моҳиятини тушуна оладиган, катта сиёсий билимдон ва моҳир тадбиркор, ташаббускорлик фазилатларини эгаллай олган, халқ фидойиси Муҳаммаджон Мирзаев бошқариб келмоқда. Бугунги кунда ташкилот сафида уч мингдан зиёд партия аъзолари жипслаганлар. Улар асосан мактабча ва мактаб таълими, касб-ҳунар мактаблари, техникумларнинг тарбиячилари, ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш бўлими, маҳалла ходимлари, турли ташкилот ишчи, хизматчилари, маданият вакилларида ташкил топган. Партиянинг олиб бораётган ибратли ишлари, халқ манфаати йўлидаги сайёҳаракатлари, илм-фан ва тараққиёт йўналишидаги жонбозликларидан руҳланган аҳоли қатлами партия сафини тўлдириб бормоқдалар. Ёшлар сиёсати, уларнинг ўқиш ва ишлашлари учун шароитлар яратиш келинаётганлигидан мамнун ёшларнинг партия сафига ўтиш мақсадида ғуруҳ-ғуруҳ бўлиб мурожаат қилаётганликлари қувонarli, албатта. Бу масалада 1- ва 2-Марғилон Жамоат саломатлиги техникумларининг ёшлари етакчиликлари қилмоқдалар.

Партия ташкилоти шаҳар иқтисодиёти, илм-фан, маърифат, оёдоқчилик ишларини кенг қўламада амалга оширишда афзолида бirlaшган халқ депутатлари шаҳар кенгашига сайланган тўққиз нафар депутатларга суянади. 28-Наврўз" сайлов округидан сайланган, 8-Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Муроджон Собирович Мирзаев, 3-Ипакчи" сайлов округидан сайланган депутат Мирзауллоҳ Муҳаммадализода, 6-Косибичилик" сайлов округи депутати Иброҳимжон Расулов, "Надирмат" сайлов округидан сайланган депутат Турғунбой Нишонов ўзларининг сайловолди дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаб сайловчиларнинг оқинишларига эришиш билан, келажакка бўлган ишонч руҳини сингдиришда фидойиларча меҳнат қилмоқдалар.

Партия фаоллари мамлакатда "Инсон-жамият-давлат" тамойилининг устуворлигидан шод фуқаролар тинчлиги, фаровонлигини таъминлаш, муносиб тарзда яшаш шароитларини яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Аҳоли турмуш тарзини яхшилатиш масаласига қўндаланг бўлиб тўққинчи қўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишда "жамоатчилик қабули"нинг моҳияти анча сезиларли бўлаётди. 2023 йили жойларда ўтказилган "жамоатчилик қабули"да

200дан зиёд муаммолар аниқланди. Уларнинг 80 фоизи ижобий ҳал этилганлиги партиянинг давлат ва жамоат ташкилотлари олдидаги масъулияти юқори эканлигини кўрсатиши билан, партия ташкилотининг шаҳар жамоатчилик томонидан эътирофда эканлигининг намунасидир.

Навоий номла маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига яшовчи Абдурахмонов Абдуваҳхобнинг юрак жарроҳлиги амалиёти, Бобур МФЙ да яшовчи Хошимов Алиакбар, "Рохат" МФЙда истикомат қилиб келаётган Мирзаева Раҳимахонларнинг жигар касалликларини даволашда амалий ёрдам берилди. Кўп йиллар "Ватан" маҳалласидаги кўп хонали уйларда бир нафар ногирон фарзанди билан ижарама-ижара юриб бардоши тугаган Мунаввар Раҳмоновага бепул расмийлаштириб берилган, "Гулистон" МФЙ Б.Марғиновнинг кўчасидаги 27 уй, 7-хонадоннинг кадастр ҳужжатларини ҳам тайёрлаб беришга қўмаклашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан бунёд этилган "Юксалиш" маҳалласидаги "Саноат зонаси" Ўз.ХДП Марғилон шаҳар ташкилотининг доимий назоратига топширилган. Шу боис "Саноат зонаси"нинг фаолиятини ҳам кўндалан-кўн серунон масканга айланди. Яратилган йил ўйинлари ёшлар ва хотин-қизлар учун серзаф меҳнат симфониясини эслатади. Уй-жой қуриш учун кредитлар ажратиш, кам таъминланган оилаларга бепул яшаш хоналари ажратиш, Уй-жой соғлиқ олиш учун субсидиялар олиб бериш ишларига бош-қош бўлмоқда.

Жорий йил партия электорати учун аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш, муаммоларини ижобий ҳал этиш учун самарали бўлганлиги билан аҳамиятлilдир. Ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси таъминотида оид 48 та, иш ҳақи, субсидия ажратиш, болалар нафақаси, моддий ёрдам, уй-жойни таъмирлаш, ёки уй-жой учун рўйхатга қўйиш, хонадонларни иситиш, олий ўқув юртлири талабалари учун контракт тўловлари, даволаш ишлари, суолиштирилган газ етказиб бериш каби 70 га яқин муаммолар мутавадди ташкилотлар ва ҳомиёлар ёрдамида ечимини топи.

Узининг ажралмас электорати бўлган ногиронлар билан ишлаш масаласи ҳам партиянинг доимий эътиборига олинган. Аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун меҳнат қилиш имконияти чегараланган кишилар ўртасида ишлаб чиқилди. Мухтож кишиларга ногиронлик арава-чалари, эшитиш мосламалари етказиб берилди. Шаҳардаги ногиронлиги мавжуд болалар тарбияланадиган 1-мактабча таълим ташкилоти, 22-маҳсул мактаб-интернати тарбияланувчилари ҳар йилги 1-июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни, Мустақиллик кўни, "Наврўз" байрами, 3-декабрь - Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан хабар олинди, эсдалик ва қимматбаҳо совғалар улашиб келинади.

Халқ манфаати йўлидаги фаолият долзарблигини йўқотмайди. Муаммолар ечимини топиш партиянинг тажрибали раҳбарлари томонидан, албатта, амалга оширилаверади.

Рўзимухаммад УМРЗОҚОВ.

ХАЁТИ ХИКМАТ ГУЛДАСТАСИ

Вилоятимиз зиёкорлари ва жамоатчилик вакиллари Маҳмуджон Дадахоновни «Маърифат гулшани боғбонларидан бири эди», деб эслайдилар. Бундай улуг ном ҳаммага ҳам ҳақли равишда айтилавермайди. Бунинг учун Маҳмуджон ака Дадахоновдек ҳикмат гулдастаси ила ўз ҳаётини безай олиш маҳоратига эга бўлиши керак.



У Марғилон шаҳрининг “Қўрхона” гузари ёнидан ўтувчи “Буюк ипак йўли” кўчаси бошланишидаги сер-файз хонадонда таваллуд топган. Маҳмуджоннинг ота – боболари анчагина илму савод эгалари бўлишган.

У шахримиздаги 12-мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ адабиётга меҳр қўйиб, мумтоз адабиёт намоёндаларининг ижодига маҳлиё бўлиб қолган эди. Шу боис у кўпроқ Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига мурожаат қилар эди. “Алишер билан бобо”, “Икки дўст аҳдлашуви”, “Жомий ва Навоий” сахна асарлари матнни ўзи ёзиб, сахналаштириб ўқувчиларни китоб мутлоаси ва ёд олиш қобилиятларини ўстиришга эриша олган. Ўқувчилар хурматига, ўқитувчилар жамоасининг ҳайратига сазовор бўлган.

Ўқувчилар унинг дарсларини интиқлик билан кутишарди. Ўз касбига бўлган қизиқиши мукамаллигини ҳис қилган маориф бўлими раҳбарлари уни халқ таълими бўлими инспектори вазифасига ўтказадилар. Ҳеч қанча вақт ўтмай 2-мактаб директори лавозимига кўтарилади. У мактабга келган кунидан болшлаб

ўқитиш услубини мукамаллаштириш, ўқитувчиларининг малакасини ошириш, кўргазмали қуроллар асосида дарсларни ташкиллаш, тўгарак машғулотларини жонлантириш, ота-оналар билан алоқани мустаҳкамлаш жараёнларига алоҳида эътибор қаратди. Керак бўлса барчадан ушбу жараёнда собитлик билан иштирок этишни талаб қилди.

Натижа қутилгандан ҳам зиёда бўлди. Маърифат жамоаси вилоят халқ таълими бошқармасининг таянч мактаблари қаторидан ўрин эгаллади. Мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадаси шаҳар босқичида иштирок этган аксарияти фанлар бўйича вилоят босқичига йўлланма олдилар. Кўплаб фан ўқитувчилари ҳамда тўгарак раҳбарлари вилоят раҳбарлигининг рағбатига мушараф бўлдилар.

У шахар халқ таълими бўлими бошлиғи лавозимида иш бошлаган қисқа фурсатларда барча ўрта мактабларда бошланғич ҳарбий таълим кабинетлари ташкил этилди, мактаблар малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминланди. Шаҳар мудофаа ишлари бўлими раҳбарияти билан ҳамкорликда керакли

жиҳозлар, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар келтирилиб кўргазмали воситалар ёрдамида дарсларни ташкиллаш чоралари қўрилди.

Республика халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан Марғилон шаҳрида педагогик ўқишлар ҳамда “Бошланғич ҳарбий таълим фанини ўқитишда кўргазмали воситалар ёрдамида самарадорликка эришиш” мавзuida семинар ташкил этилди.

У шахар ижроия кўмитаси раиси ўринбосари, кейинчалик яна шахар халқ таълими бўлими мудири лавозимларида ишлайди. Маҳмуджон Дадахонов ярим асрдан ортиқ педагогик фаолият олиб бorgan. Шундан 35 йили мактаб директорлигига тўғри келади. Ўқитувчилик ва раҳбарлик фаолияти давомида қарийб 31 йил “Янги боғ” маҳалла фуқаролар йиғинида ўриндошлик асосида раислик қилган.

Бу ибрат сулоласининг сабабчиларидан бўлмиш, устознинг турмуш ўртолқлари Мухаррамхон ая Мадаминова ҳам муаллималик касбини улуғлаган муборақ аёлларимиздан биридир. Янада қувончи ва эътиборли жиҳатлардан бири шуки,

Маҳмуджон Дадахоновнинг наби-ралари ҳам боболарини ҳавас қилиб оиланинг зиё таратиш йўлини танладилар. Чунончи, Улуғбек, Муяссархон ва Замирахон, Ферузахон, Мухаббатхонлар ўқитувчилик касбини танладилар. Чевара бўлмиш Шохсанамхон мактабгача тарбия муассасаси болаларини ватанга садоқат, миллий ғурурликка мойил шахслар этиб тарбиялашга бел боғлаган тарбиячилардан бирига айланган.

Комиллик ибрати, меҳнаткашлик муҳаббати, ватани ва халқига садоқат руҳи бутун умри мазмунига айланиб кетган, улуг педагоглар сулоласини яратиб, халқ хизмати-га камарбаста қилиб тарбиялаган Маҳмуджон Дадахонов ҳаётлик чоғидаёқ, ихлос ва ибрат рамзига айланиб улгурган эди.

Маҳмуджон Дадахоновнинг ҳаётини ҳикматлар гулдастасига қиёслашди. Ҳақиқат ва адолатни ибрат билган ҳаёти эса ҳақиқатдан ҳам ҳикмат гулшанида гулдастага айланди.

Рўзимухаммад УМРЗОҚОВ.

Интиқлик

Азиз фарзанд,

ОНАИЗОРИНГИЗНИ кунда йўқланг!!!

Субҳидам. Лобар ҳоланинг кровати қўйилган дераза ёнгинасида осмонга буй чўзган бир түп олма дарахти ёзининг ёкимли шаббодасида охиста-охиста тебранади. Дам-бадам шохларидан узиллай-узиллай деб турган ширмой нондек қип-қизариб пишган олма-лар дераза ойнасига урилиб, «тақ-тақ» деган овоз чикаради.

— Вой тавба... — Қуш уйку бўлиб қолган Лобар хола шоша-пиша ўрнидан турди. — Ие ухлаб қолай дебман-ку!

У худди поездга кеч қолаётган йўловчидек илдамлаб тандирбоши-га келди. Хамири ҳам ошиб қолгандир...

Тўнғичи Муроджон дўлтали нонни хуш кўради. Ўзига ёқсин деб тўнда ҳамир қориган. Тонг оплоқ рўмолини ўрар-ўрамас, онаизор бир сават нонни тандирдан узиб, устини охорли дастурхон билан ёпди.

— Онажоним, биз келдик, — дейди ҳар гал Муроджонни остона хатлабоқ, қулочларини кериб. Ортидан наби-ралари бағрига отилади. Она ҳадемай кириб келадиган фарзандлар-ю на-бираларини ўйлаб, ширин энтиқди.

— Бўйларингдан ўргилай, қарокларим, дея шивирлади, у узумзор то-мон юраркан хуш қайфиятда. Лобар хола жонни тўлдириб, оқ, қизил киш-мишлардан узди. Қизи Нигора узумни сўйиб ёйди. Узиб қўйсам, мазза қилиб еб олади, дея кўнгиллади.

У наби-ралари Мафтун ва Мадиналар учун олма ва шафтоли териб, муздек сувда чайди.

Она эшикка қарай-қарай, сўрига ёнбошлади. Хая, бояқиш келини ке-либ қозонга урин-

гунча қара-аб ўтирадимиз?! Она чакқон сабзи кертиб, ўчоққа олов қалади.

— Ассалому алайкум!

— Келишди!

Лобар хола ёш боладек севиниб ортига ўтирилди.

— Бувижон сизни телефонга сўрашяпти. Ойим олиб кир, — деди.

Бироз қаловланган она болакайнинг қўлидан телефонни олиб қулоғига тутди.

— Ойижон яхши ўтирибсизми? Афсус бугун бора олмас эканмиз, кели-нингизни аммаси келин тушираётган экан, ҳаммамиз ўша ёққа кетаямиз.

Янаги ҳафтага ўтармиз, онажон.

— Ҳўп, болам яхши бoring... — Онанинг гапи кутаётган телефон дут-дут-лаб ўчди. Ўғли тўйга кетаётган бўлса, қизи Нигора келиб қолар бо-лаларини эргаштириб...

Лобар хола эшикка термулиб ўтириб, туш бўлганини ҳам пайқама-ди.

— Ассалому алайкум, бувижон. Бугун Нигора холам ҳам келолмасмишлар. Зарур юмушлари чиқиб қолибди. Ойимга айтиб қўйинглар, деб телефон қилдилар. Шунга чикувдим.

Онаизорнинг кўксидан нимадир узилгандек бўлди.

— Ҳўп, қароғим дея олди аранг хаста то-вушда.

У сахар-мардонлаб ёпган бир сават нони-ю, жомлардаги мева-чевалар, аллақачон олови ўчиб қолган ўчоққа унсизгина тикилди. Қадди чўккан онаизор тузатилган дастурхон ёнига йўлагиси келмай, остонага ўтирди.



Кўзларидан оқаётган шашқатор ёшларини рўмолининг учига артаркан, титроқ лабларидан Муроджон...н, Нигора-аа, деган ялинчоқ сўзлар учарди. Лобар ҳоланинг юрагини соғинч эзар, кун бўйи қута-қута болаларининг унга ҳаёт, куч-қудрат башх этувчи чехраларини кўролмагани, бағрига тўйиб-тўйиб босолмагани қалбига аёвсиз азоб берарди.

— Қарияпман, шекилли деб ўйлади онаизор, халигина ўт чакнаган оёқларини зўрга судраб босаркан. Ахир уларнинг иши кўп, тушуниш керак...тушуниш керааақ...

Лобар холадан бирров ҳабар олгани чиққан қўшни аёл унинг истимада алангаи оташ бўлиб ёнаётганини кўриб, куйиниб жавранди:

Бояқиш болаларим келади, деб кечадан бери тинмади-я. Улар эса... Фарзанд учун дунёда она дийдоридан ҳам устунроқ нарсас бор эканми! Эссизгина, ўтирибсизми, онажон деб, бирров остона хатлаб кетишса ёки оналарини ҳам тўйга бирга олиб боришса, фарзандлари қўршовидаги Лобар хола шодланиб қўёшнинг меҳрли ҳароратида тобланаётган муаззам дарахтга айланарди...я. Эссиз! Телефон дийдорнинг ўрнини босармиди...қуриб кетсин ўша матохларинг...

Қўшни аёл Лобар ҳоланинг пешонасига дурра қўтлаб босаркан, болаларини ҳамон интиқ кўтатаётган бетоқат онаизорнинг серажин юзларига хомуш тикилди.

Мастураҳон САИДУРОДОВА.

Жиноят ва жазо

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ТАРТИБИГА ТАҲДИД СОЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАРҚАТГАН ШАХСГА СУДНИНГ ҲУКМИ ЎҚИЛДИ

Фуқаро М.М. узоқ йиллардан буён гўё динга бўлган қизиқиши ортиб, оммавий ахборот воситалари ёки Интернет жаҳон тармоғидан фойдаланиб, диний экстремизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни кузатиб келган.

Сўнгра эса у мазкур материалларни тарқатиш мақсадида, ўзига тегишли бўлган “Iphone 14 Pro” русумли телефон апаратида фойдаланиб, унга “Facebook” жаҳон ижтимоий тармоғидаги саҳифаси орқали “Achchiq Bolgan Haqiqatlar, Yangi Murojat, (Ibrohim Muvahhid)” номли диний маърузаларни жойлаштириб, намойиш қилиш орқали ўзгаларга тарқатиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг ахборот ва оммавий коммуникациялари экспертизасининг хулосасига кўра, фуқаро М.М. томонидан ўзининг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифаси орқали жойлаштирилган диний маърузалар ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганлиги

ҳамда ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилувчи, маълумотлар туркумига кириши кўрсатилган.

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг ҳукмига кўра фуқаро М.М. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбли деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 (икки юз) баравари миқдориди - 60.000.000 (олтмиш миллион) сўм жарима жазоси таъинланган.

Б. МИРЗАЕВ,
Транспорт ва ТОХТД Тергов бошқармаси катта терговчиси, майор.

М. РАЙИМБЕРДИЕВ,
Фаргона вилояти ТХТБ тезкор вакили, капитан.

СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗЛИ БАЛЛОНЛАР

Маълумки куз, қиш ойларида, ёғингарчилик қўпайиб, ҳаво ҳарорати пасаяди. Одамлар эса хонадонларини иситиш чораларини кўра бошлайди. Хонадонларни иситишда эса табиий газ, электр иситиш асбоблари ёки суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланамиз. Афсуски, аксарият содир бўлаётган фавқулодда вазиятлар, ушбу иситиш воситаларидан аҳолининг нотўғри фойдаланиши натижасида юзага келмоқда. Айниқса суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланиш жуда хавфли.

Газ баллонлари қуёш тобида қолиб кетишига йўл қўйманг, уларни салқин жойда сақланг. Бўш ва суюлтирилган газли баллонларни хона ҳамда ертўла-ларда сақланманг. Газлаштирилган хонага 50/55 литр симили баллондан биттадан ортиқ ёки ҳар бирининг сигими 27 литр бўлган баллондан иккитадан ортиқ қўйманг.

Газли баллонларни газлаштирилган хонада иситиш радиатори ёки печка-сига 1 метрдан яқин жойлаштирманг. Баллонларни қизишдан сақлайдиган мослама ўрнатилган бўлса, баллон билан иситиш асбобининг оралиғи 0,5 метргача камайтирилиши мумкин, баллон билан тўсиқнинг оралиғи эса 10 см.дан кам бўлмаслиги керак. Баллонлар билан ўт ёқиш эшигининг оралиғи 2 метрдан оз бўлмаслиги лозим. Хонага ўрнатилган баллонлар алмаштирилаётганда электр ёриткичларни ёқиб-ўчириш, очик оловдан, электр иситиш асбоблари ва иситиш печкаларидан

фойдаланиш таъқиқланади.

Газли баллонларни ўчоқ, тандир каби очиқ алангали жойлар яқинида сақланманг. Газ плиталаридан фойдаланиб бўлгандан кейин газ баллони, редуктор ва газ плитасидаги жўмрақларни беркитишни унутманг. Агар уйда газ ҳидини сезиб қолсангиз ўт ёқманг, ёритувчи ҳамда бошқа электр асбобларини ёқманг ёки ёқилган бўлса ўчирманг, ойна ва эшикларни очиб хонани шамоллатинг, зудлик билан оила аъзоларингизни ташқарига олиб чикинг, 04 телефон рақами орқали авария диспетчерлик хизматига хабар беринг.

Тўлқинжон ОТАЖОНОВ,
“FNQIZ” MCH BYOXTTEB инспектори, капитан.

Жавоҳир РУСТАМОВ,
Марғилон шаҳар ФВБ бўлими ходими, капитан.



“Суюнчи пули”ни олиш ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Халқ тилида “Суюнчи нафақаси” деб аталадиган бола туғилганда бериладиган бир мартали нафақа амалдаги қонунчилика мувофиқ ҳар бир туғилган фарзанд учун тўлаб берилади.

Маълумот учун: бола туғилганда бериладиган бир мартали нафақа суммаси - меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 70,3 фоизи деб белгиланган. Яъни 2023 йил 1 декабрдан бу миқдор 738 150 сўмни ташкил этади.

Суюнчи нафақасини олиш учун қаерга мурожаат қилиш керак? Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, бунда фуқароларнинг овозгарчиликларини бартараф этиш мақсадида “суюнчи нафақаси”ни тайинлаш бўйича хизматлар 2020 йилдан бошлаб, фуқаронинг мурожаатисиз композит шаклида амалга оширилмоқда.

Яъни, бугунги кунда бола туғилганда болага бериладиган фамилия, исм ва ота исми, ота-она ва уларнинг никоҳи, бола рўйхатга қўйиладиган поликлиника ва ички ишлар бўлими, навбатга қўйиладиган давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳақидаги барча маълумотлар тиббиёт муассасаси (туғруқхона, шифохона туғруқ бўлими, оилавий поликлиника) томонидан “Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

Пенсия жамғармаси томонидан барча зарурий маълумотлар тиббиёт муассасаси ва ФХДЁ ахборот тизимларидан электрон шаклда олинган ҳолда “Суюнчи” нафақаси автоматик равишда тайинланади.

Шунингдек, эндиликда, фуқаролар янги туғилган фарзандлари учун “Суюнчи пули”ни «хазна» иловаси орқали осонгина олишлари мумкин.

Фарҳод ЎКТАМОВ,
шаҳар адлия бўлими юридик ҳизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсулти.

ЁНҒИН ЧИҚҚАНДА ҲАРАКАТЛАНИШ

Ҳар бир фуқаро ёнғинни сезганда қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

а) зудлик билан «101» телефон рақами орқали Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг (кейинги ўринларда - ФВВ) ёнғин-қутқарув бўлинмасига хабар бериш (хабарда воқеа содир бўлган манзил, ёнғин чиққан жой ва ўзининг фамилия-сини айтиш);

б) одамларга хабар бериш ва уларни эвакуация қилиш чораларини кўриш;

в) имкон қадар мавжуд ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан ёнғинни ўчириш чораларини кўриш.

Ташкилот (объект) раҳбари (ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахс) ёнғин-қутқарув бўлинмаси ёнғинни бартараф этишга етиб келиши биланоқ ёнғинни ўчириш раҳбарига ёнғин жойи ҳақида, хоналарда одамларнинг мавжудлиги, ёрдамга муҳтожлар ҳамда ёнғинни ўчиришга жалб

этилганлар, сақланаётган ва ишлатилаётган моддалар, материаллар, маҳсулотларнинг миқдори ва ёнғинни ўчириш бўйича қўрилган чоралар ҳақида ахборот бериши керак.

Ташкилот (объект) раҳбари (мансабдор шахси) ёнғинни ўчириш штаби таркибига киритилганда:

а) ёнғинни ўчириш раҳбари томонидан берилган вазифаларни бажарилишини таъминлашга;

б) объектнинг хусусиятлари, туташ бино ва иншоотлар ҳақида ёнғинни ўчириш раҳбарига маълумот тақдим этишга;

в) ёнғинни ўчириш раҳбари томонидан берилган вазифалар бажарилишида объект ходимларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга кўмак беради.

Раҳимжон АХМАДЖОНОВ,
“FNQIZ” MCH BYOXTTEB инспектори.

